

## ҲАМШИРА-МЕНЕЖЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИНИНГ ЎРНИ

Рауфова С. Р., Раманова Д.Ю., Эшбаева К.У.

Тошкент тиббиёт академияси.

### ✓ Резюме,

Ушбу мақола олий маълумотли ҳамширалар касбий тайёрлаш истиқболлари муаммоларини очиб беради, аҳолига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишда бакалавр ҳамшираларнинг роли, бакалавр ҳамширалар касбий таълим комплекс йўналишлари, усуллари ва ҳамшира-менежернинг касбий фаолияти интеграцияси усуллари таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:** олий маълумотли ҳамширалар, ҳамширалик иши бакалаврлари, тиббий касбий таълим, ҳамшира-менежерлар.

## РОЛЬ ВЫСШЕГО СЕСТРИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ПОДГОТОВКЕ МЕДИЦИНСКОЙ СЕСТРЫ-МЕНЕДЖЕРА

Рауфова С.Р., Раманова Д.Ю., Эшбаева К.У.

Ташкентская медицинская академия.

### ✓ Резюме,

В данной статье рассматриваются проблемы перспектив профессиональной подготовки медицинских сестер с высшим образованием, роль бакалавров медицинских сестер в оказании медико-социальной помощи населению, направления профессионального образования бакалавров медицинских сестер, анализ методов и приемов интеграции профессиональной деятельности медсестер-менеджеров.

**Ключевые слова:** медсестры с высшим образованием, бакалавры сестринского дела, медицинское профессиональное образование, медсестры-менеджеры.

## THE ROLE OF THE HIGHER NURSING EDUCATION IN TRAINING NURSE MANAGERS

Raufova S., Ramanova D., Eshbaeva K.

Tashkent Medical Academy.

### ✓ Resume,

This article discusses the problems of future training of nurses with higher education, the role of bachelor nurses in providing medical and social assistance to the population, areas of professional education bachelors of nursing, analysis of methods and techniques the integration of professional activities of nurse managers.

**Keywords:** nurses with higher education, bachelors of nursing, medical professional education, nurses-managers.

### Долзарблиги

**XX** аср бошларида Туркистон ҳудудида беш миллион аҳоли билан 192 та врач ва 234 тага яқин ўрта тиббиёт ходимлари ишлаган [1, 2, 8, 10]. 1928-1929 йилларда тиббиёт техникуми (кейинчалик Й. Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт ўқув муассасаси) қошида парвариш бўйича тиббий техник бўлими очилган бўлиб, 1929-1930-йилларда туғруқ ва чақалоқликни ҳимоя қилиш бўйича тиббий техник бўлими очилган. 1929 йилларда "Қизил ярим ой" жамиятининг заҳира ҳамширалари ва кадрлари курслари, 1929-1930 йилларда эса соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги ҳамширалари курслари ташкил етилди. 1926-1927 йилларда Тошкент шаҳридан ташқари Фаргона ва Самарқандда ҳам тиббиёт техникумлари очилган эди. 1951-1952-йиллардан еттита ўқув муассасасида ўрта тиббиёт ҳамширалар ўқитилган. 1993-йилда мамлакатда 44 та ўрта тиббиёт ўқув муассасалари мавжуд бўлиб, 2002-йил бошида Ўзбекистонда 53 та, 2009 йилдан бошлаб эса Миллий ўқув дастури ва "Таълим тўғрисида" ги қонун талабларига мувофиқ равишда 73та ўрта тиббиёт ўқув муассасалари, тиббиёт коллежлари фаолият кўрсатган [1, 2, 3, 8, 10].

Ҳозирги кунда амалий соғлиқни сақлаш олдида турган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш, кўп жиҳатдан муайян муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжалланган ҳамширалик мутахассисларининг ма-лакаси, билим даражаси ва кўникмасига боғлиқ. Ҳамширалик иши мутахассислари тиббий мутахассислар ичида энг йирик гуруҳларидан бири бўлиб, эндиликда уларнинг профилактика, диагностика ва даволовчи муолажалар учун масъулият доираси сезиларли даражада кенгаймоқда [4, 5, 6, 8, 12].

Соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий ёрдамнинг янги тамойилларига ўтиши, оилага асосланган тиббий ёрдамни жорий этиш ва ривожлантириш, бирламчи тиббий ёрдамни такомиллаштириш тиббиёт ходимлари, жумладан, ҳамширалар тайёрлашга янгича ёндашувларни талаб этади [1, 3, 8].

Кўпгина ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Швеция, Финляндия ва бошқалар) ҳамширалар тайёрлаш ва таълимнинг кўп даражали тизими мавжуд [6, 8, 9, 14, 16].

АҚШда 2 йил ўқиётган ҳамшираларга рўйхатдан ўтган ҳамширанинг тегишли даражаси, 3 йил - рўйхатдан ўтган ҳамшира, 4 йил - ҳамширалик бакалаври даражаси берилади [4, 14, 15, 16].

Швецияда ҳамшираларни тайёрлаш кўп босқичли таълим асосида икки турдаги коллежларда олиб борилади. Биринчи босқичда 3 йиллик ўқиш муддати бўлган коллежга 9 йиллик умумий маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади. Бу тўлиқ бўлмаган касбий ҳамширалик таълимини таъминлайди. Ҳамшираларнинг фаолияти ҳамширалик муолажаларини бажаришга қаратилган бўлиб, уларга ҳамширанинг ёрдамчиси ёки кичик тиббиёт ҳамшираси малакаси берилади. Иккинчи босқичда коллежга 12 йиллик умумий маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади - ўқиш муддати 4 йил. Ушбу мутахассисларнинг вазифаларига касалликни олдини олиш, клиник тадқиқотлар ўтказиш, турли аҳоли гуруҳлари динамикасини кузатиш киради. Ўқишни битиргач, уларга ҳамширалик иши бакалаври унвони берилади. Учинчи босқичда, касбий олий маълумот олгач, битирувчилар раҳбар-ташкilotчилар, маъмурлар бўлиб ишлаш ҳуқуқига эга, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиши мумкин [1, 4, 5, 9, 12, 13, 15].

1966 йилдан бошлаб, АҚШда ҳамширалик иши бўйича магистрик дастурларини жорий қилиш билан Америка Ҳамширалар Уюшмасининг "беморларни профессионал парвариши стандарти" ишлаб чиқиладди [14, 15].

Россияда ҳамшираларни тайёрлаш бўйича янги стратегия қабул қилинди, замонавий ҳамширалик иши концепцияси доирасида ҳамшираларни узлуксиз уч босқичли таълимнинг ягона тизими яратилди [5, 6, 9, 10]:

Таълимнинг I даражаси (асосий даража) - кенг қамровли тиббиёт ҳамшираси. Тиббиёт муассасаларида 2-3 йил давомида тўлиқ ўрта ва асосий таълим асосида ёки коллежнинг биринчи босқичида тўлиқ ўрта мактаб базасида 2 йил ўқиш;

II даража (илғор даража) - ихтисослашган тиббиёт ҳамшираси. Тиббиёт коллежларининг 2 босқичида тиббиёт муассасаларида олинган ҳамширалик таълими асосида;

III даража - академик ҳамшира, тиббиёт олий ўқув муассасасининг битирувчиси. Олий ҳамширалик иши факултетида таълим олади [4, 5, 6, 9, 10].

1998 йилда Санкт-Петербургда ўрта тиббиёт ходимларининг 1-Конгресси бўлиб ўтди. Конгресс Россия Федерациясида ҳамшираликни ривожлантириш Давлат дастури лойиҳасини тасдиқлади. Дастурда 4 та касбий-таълим даражасини ўз ичига олган ҳамширалик иши кадрларини кўп босқичли тайёрлаш давлат тизимини яратиш ва ривожлантириш кўзда тутилган [1, 2, 5, 7, 8].

1999 йил сентябр ойида Бишкекда Америка халқаро соғлиқни сақлаш Иттифоқи кўмағида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан ҳамширалар ва ҳамширалик иши раҳбарлари делегацияси ўз муаммолари ва ютуқлари ҳақида маълумот алмашиш имконига эга бўлди. Конференцияда ҳамширалик иши бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ташкил этилиши, "Бишкек Декларацияси" нинг қабул қилиниши натижасида иштирокчиларнинг Марказий Осиё республикаларида ҳамширалик иши ва ҳамширалик таълимини ислоҳ қилиш бошлангани ҳақидаги умумий фикри акс этди [1, 2, 5, 7, 8, 10].

Ҳамширалик иши бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш Ўрта Осиё республикаларида ҳамширалик иши мутахассисларининг энг яхши амалиётларини йиғиш ва тарқатиш, уларни ҳамширалик ишини ривожлан-

тириш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқишга жалб этиш, меъёрий асос яратиш ва ҳамширалик ишининг ягона таълим дастурларини тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш вазифаларини ҳал этиш учун ташкил этилган [1, 2, 3, 8].

2000 йил 3-4 февралда Олмаотада Республика тиббиёт коллежи базасида бўлиб ўтган биринчи ташкилий йиғилишда Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўғрисидаги Низом қабул қилинди, унинг мақсад, вазифа ва функциялари белгилаб олинди [2, 8, 10].

1995-йилда Тошкентда ЖССТ вакиллари иштирокида бош ҳамшираларнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ҳамширалик ишининг меъёрий-ҳуқуқий базасини ривожлантириш бўйича устувор масалалари, ўрта даражадаги кадрларнинг касбий тузилмалари қайта кўриб чиқилган, ҳар бир даражадаги ўрни ва вазифаларини ойдинлаштирган, таълимни ислоҳ қилиш, ҳамширалик хизмати стандартини яратиш зарурлигини аниқланган. Ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш учун республикада мавжуд тиббиёт муассасаларни тиббиёт коллежларига - янги типдаги таълим муассасаларига ва академик лицейларга босқичма-босқич ўтказиш кўзда тутилган, тиббиёт олий ўқув юртларида махсус факултетлар очилган [2, 4, 10, 12, 14].

Бугунги кунда 6 та тиббиёт институтида олий ҳамширалик иши факултети ташкил этилган. Факултетлар қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: менежер, туғруқ бўлими дояси, жарроҳлик бўлими ҳамшираси, анестезиология ва реанимация ҳамшираси, ТТА ва ТашПМИ ҳамширалик ишини ташкил этиш ва бошқариш бўйича магистрлар тайёрлайди [1, 8, 10, 11].

Бугунги кунда аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш муаммоларини ҳал этишда етакчи роллардан бири ҳамшираларга берилади, шунинг учун бу тоифадаги кадрлардан тиббий хизмат сифати ва самардорлиги кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурида ҳамшираликни ислоҳ қилиш имконияти яратилган. Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг меъёрий ҳужжатларидан бири 1998-йил 10-ноябрдаги 2107-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисида" ги Президент Фармонидир [1, 3].

Ушбу Фармон асосида 1999-2000 ўқув йилида биринчи марта Олий маълумотли ҳамшира бўлимига талабалар ўқишга қабул қилинган ва шу кунгача амалга оширилмоқда. Тиббий кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини ошириш дастурини ишлаб чиқиш, мавжуд тиббий ўқув муассасаларини қайта профиллаш ва янгиларини қуриш, янги давлат таълим стандартлари ва намунавий ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали тиббий ўқув муассасаларини коллежларга босқичма-босқич ўтказиш, юқори малакали ҳамширалар (реаниматор-анестезистлар, туғруқхона доялари, менежерлар, тиббиёт коллежлари ўқитувчилари ва бошқалар)ни тайёрлаш қоидалари, дастурлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган [1, 3, 8, 9, 10].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тиббиёт коллежлари, тиббиёт институтларида олий ҳамширалик иши бўлимлари мавжуд, олий ўқув юртлари негизида тегишли факултетлар ва магистратура очиш орқали олий ҳамширалик таълимида сезиларли ютуқларга эришил-

ди. Олий ҳамширалик таълимига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш тиббиёт муассасаларининг ҳамширалик хизмати ташкил этиш ва бошқариш тизимини ўзгартиришга қаратилган бўлиб, ўрта тиббиёт ходимларининг касбий имкониятларини кенгайтириш имконини беради [1, 8].

Олий ҳамширалик иши таълими - ҳамшираларнинг кўп босқичли тайёрлаш босқичларидан биридир. Олий ҳамширалик иши таълими клиник амалиёт, педагогик фаолият ва бошқариш учун юқори малакали ҳамшираларни тайёрлайди. Олий тиббий таълим ҳамшираларнинг илмий даражада ахборот алмашиш, бошқа соғлиқни сақлаш ходимлари билан ҳамкорлик қилиш қобилиятини ривожлантиради, маълум бир клиник тажрибани, касбий этика, жамоат саломатлиги ва тиббий хизмат бўйича етарли даражадаги билимларни кафолатлайди. Академик билим ва амалий кўникмалардан ташқари, олий ҳамширалик таълими талабаларида мустақил равишда танқидий баҳолаш қобилиятини, ўз-ўзини тарбиялаш кўникмаларини, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Олий маълумотга эга бўлган ҳамшира меъёрий, илмий, ўқув маълумотлари билан мустақил ишлайди, ҳамширалик иши соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб боради, ҳамширалик иши бўлимларида, ўрта тиббиёт ходимларини қайта тайёрлашни таъминловчи тиббиёт коллежларида дарс бериш ҳуқуқига эга. [3, 5, 8, 9, 10, 13, 14].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрига кўра, ҳамширалик соҳасидаги тадқиқотлар соғлом ва касалларга гамхўрлик қилишни ташкил этиш, беморлар ва уларнинг oilаларининг қобилиятини шакллантириш, соғлиғини сақлаш, касалликларнинг салбий таъсирини камайтириш учун асосий генетик, физиологик, ижтимоий, экологик, ҳуқуқатвор ва бошқа механизмларни тушуниш ҳақида билим олиш ва такомиллаштиришга қаратилган. Бундан ташқари, ҳамширалар тадқиқот давомида касалликларнинг сабаблари, диагностикаси, олдини олиш, инсоннинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, уларга экологик омилларнинг таъсирини ҳамда соғломлаштириш схемалари ва дастурларини ўрганадилар [1, 3, 5, 8, 9, 11, 14, 15].

Олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимга, кенг дунёқарашга, ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятига, стандарт ва ностандарт вазифаларни доимо ўзгарувчан муҳитда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдир [8, 15, 16]. Олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасалари тиббиётнинг асосий йўналишлари бўйича ўз касбий билимлари даражасини янгилаш ва такомиллаштиришда соғлиқни сақлаш мутахассисларининг эҳтиёжларига уюшган ва тизимли тарзда жавоб беришга мўлжалланган [1, 2, 3, 8, 11, 12, 13, 14].

Шундай қилиб, тўпланган хорижий ва ички тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳамширалик ишини ташкил этиш ва бошқаришда ҳамширалик иши менежерларини тайёрлаш ва унинг самарадорлигини оширишда асосий масалалардан бири уларни умумий амалиёт шифокорлари ва амалий соғлиқни сақлаш ҳамширалари институти талабаларига мувофиқ тайёрлашдир. Шу билан бирга, уларнинг аҳамиятини ва ролини ошириш ҳисобга олган ҳолда мақсадли ўқитиш ва бош ҳамшираларнинг мунтазам малакасини ошириш зарурлигини таъкидлаш муҳимдир [1, 2, 3, 8, 9, 14, 15, 16].

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алимов А.В., Юсупалиева Г.А. Перспективы применения модульной технологии обучения в медицинском образовании // Узбекистон тиббиёт журнали. 2008; 5: 99-103. (In Uzb)
2. Асадов Д.А., Умарова Т. Ю. Перемены в развитии сестринского дела // Педиатрия. 1997; 3: 101-104. (In Russ)
3. Атаханов Ш.Э. Подготовка сестринских кадров // Хамшира. 2006; 1: 3-4. (In Uzb)
4. Бахтина И.С. Новые направления в совершенствовании непрерывного медицинского образования // Сестринское дело. 2006; 4: 11-16. (In Russ)
5. Бражников А.Ю., Камынина Н.Н. К вопросу о подготовке в России специалистов с высшим сестринским образованием // Медицинская сестра.-2010; 3: 12-15. (In Russ)
6. Камынина Н.Н., Бражников А.Ю. Совершенствование управленческой подготовки менеджеров сестринского дела // Экономика здравоохранения. -2007; 11: 41-43. (In Russ)
7. Камынина Н.Н. Вопросы подготовки специалистов с высшим сестринским образованием // Мед.сестра. 2008; 3: 48. (In Russ)
8. Менликулов П.Р., Салиходжаева Р.К. Организационные предпосылки развития сестринского звена в Узбекистане // Педиатрия. 2006; 3-4: 15-17. (In Russ)
9. Bonia G. et al. Acceptance of nursing study programs in nursing institutions: nursing program graduates in general practice // Pflege Z. 2009; Bd(1): 22-25. (In Russ)
10. Busse R. et al. Development of a reliable prognosis model for planning nursing care needs: registered nurse forecasting. // Pflege Z. 2009; 62(10): 610-611.
11. DeBeel D. et al. Implementing graduate entry registration for nursing in England: a scope review // J. Nurse. Manag. 2009; 17(5): 550-558.
12. Franklin L. A critical analysis of the benefits and limitations of an applied degree in undergraduate nursing education // Nurs. Leadersh (Tor Ont). 2009; 22(1): 7-8.
13. Kalman M. et al. Returning to school: experiences of female baccalaureate registered nurse students // J. N. Y. State Nurs. Assoc. 2009; 40(1): 11-16.
14. Levasseur C. Validation acquired by experience, obtaining diploma programs in nursing education, differences and similarities // Soins. 2009; 12(3): 3-6.
15. Pop M. et al. New ways of higher education in nursing: globalization of nursing leadership and its teaching-dual degree in nursing // Orv. Hetil. 2009; 50(10): 437-42.
16. Them C. et al. Stay in, dropout of and re-entry into the nursing profession of nurses under the nursing profession of nurses under the aspect of specific types of nursing professionals in Austria // Pflege Z. 2009; 62(8): 481-486.

Келиб тушган вақти 09.09. 2109